

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 2 » ноябрь 2018 у.

№ 904

Toshkent sh.

**Давлат божи ставкаларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ўРҚ–476-сон Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 12 июндаги ПҚ–3785-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 йил, 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Белгилансинки, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар 2018 йил 10 ноябрдан бошлаб кучга кирилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

нотариуслар ва нотариал идораларнинг бошқа ходимлари ўртасида мазкур қарорнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш мақсадида ҳудудий семинарларни ташкил этсин;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳоли ўртасида мазкур қарорнинг мазмун ва моҳияти тўғрисида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 2 ноябрдаги 904-сон қарорига
илова

Давлат божи ставкаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банднинг “е” кичик банди қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“Изоҳ. *Оталиқни тан олиш (белгилаш), боланинг у ёки бу онадан туғилганлиги, шунингдек туғилган вақти фактларини аниқлаш тўғрисидаги аризаларни кўрганлик учун давлат божи ундирилмайди”.*

2. 4-бандда:

а) “г” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“г) мол-мулкни ижарага бериш шартномасини тасдиқлаганлик ёки унга ўзгартиришлар киритганлик учун:

мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига тасдиқлаганлик учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

жисмоний шахслар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида;

юримдик шахслар учун ёки тарафлардан бири юримдик шахс бўлганда – энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида;

Изоҳ. *Мол-мулкни ижарага бериш шартномасини бекор қилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади”;*

б) “з” кичик банд қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

“Изоҳ. *Қарз шартномаларига ўзгартиришлар киритганлик ёки уни бекор қилганлик учун давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади”;*

в) “и” ва “к” кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“и) кафиллик шартномаларини тасдиқлаганлик, унга ўзгартиришлар киритганлик ёки бекор қилганлик учун:

жисмоний шахслар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

юримдик шахслар учун ёки тарафлардан бири юримдик шахс бўлганда – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

к) корхонани бошқа шахсга ўтказиш шартномаларни тасдиқлаганлик учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдорида”;

г) “л” кичик банд чиқариб ташлансин;

д) “н” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“н) меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берганлик учун:

мерос мол-мулки кўчмас мулк ёки автотототранспорт воситаси бўлганда (хар бири учун) – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

бошқа барча мол-мулклар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдориди”;

е) “я¹” кичик бандда:

учинчи хатбоши “юримдик шахслар учун” сўзларидан кейин “ёки тарафлардан бири юримдик шахс бўлганда” сўзлари билан тўлдирилсин;

изоҳ қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Изоҳ. Давлат нотариал идораси биносидан ташқарида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар учун давлат божси икки баравар миқдорда ундирилади, бундан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органлари биноларида нотариусларнинг сайёр қабуллари чоғида амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, шунингдек озодликдан маҳрум қилиши жойларидаги ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг шшончномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш мустасно, ушбу ҳаракатларни бажариши учун жойга бориши билан боғлиқ амалда сарфланган харажатлар тўланади.

Никоҳ шартномасини ва алимент тўлаш ҳақида келишувни нотариал тасдиқлаш, уларга ўзгартиришлар киритиши ёки бекор қилиши ҳамда мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиши ва тақиқни бекор қилишида давлат божси ундирилмайди”.